

“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг
2021 йил 5 мартдаги №34- йиғилиш
баёнига илова

**Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасининг биржа савдолари
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 215-бандда:

биринчи хатбошидаги “нисбатан” сўзидан кейин “жарима ва/ёки” жумласи киритилсин.

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 245-бандда:

мазкур банднинг биринчи хатбошисида “мажбуриятларининг” сўзидан олдинги “қўйидаги” сўзи “ қуйидагилар бўйича” жумласи билан алмаштирилсин;

бешинчи ва ўн бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима қўлланилиши, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари баргараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

Жазо қўлланганидан сўнг бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилиши –”;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўдирилсин:

“Базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари баргараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.”

3. Қуйидаги мазмундаги 245-1-банд киритилсин:

Биржа аъзоси террорчилик фаолиятида, оммавий қирғин қуролларини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этганликда гумон қилинаётган шахсларнинг махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган рўйхати билан танишиб чиқмаганлик - биржа аъзоси ва унинг трейдерларини ушбу рўйхат билан танишиб чиққунларига қадар биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

4. 246-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Биржа аъзосининг масъул ходими томонидан қуйидаги мажбуриятларни бажармаслик:

юқори даражадаги хатар аниқланганда, шунингдек, битим жараёни томонларидан бири истиқомат қилаётган, жойлашган ёки жиноий фаолият ва

терроризмни молиялаштиришдан олинган даромад легаллаштиришга қарши халқаро ҳамкорлик соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган бирор давлатда ёки оффшор зонада истиқомат қилаётган, айти вақтда бўлиб турган мижозни чуқурроқ ўрганиш чораларини кўриш;

жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чоралар кўриш, уларни хужжатлаштириш ва камайитириш чораларини кўриш;

йил якунлангангач 5 кунлик муддат ичида ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни биржанинг масъул ходимига тақдим этмаслик – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима қўллашга, шунингдек юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилганга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

Жазо қўлланганидан сўнг бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарлик қайта содир этилиши – биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан 3 ой муддатга четлатишга сабаб бўлади.

5. 247 бандда:

олтинчи ва еттинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни қайта содир этганлик –

Қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади.”.

6. Олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади»;

Қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

Жазо қўлланганидан сўнг бир йил ичида худди шу қоидабузарлик яна содир этилиши – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима қўлланилади, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади».

7. 249-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан 1 ой муддатга четлаштиришга сабаб бўлади;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

Жазо қўлланганидан кейин бир йил ичида худди шу қоидабузарликни яна содир этилиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек брокер ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан 3 ой муддатга четлаштиришга сабаб бўлади.